

## «Рўзадорликни қувватсизлик деб ўйлашади, аммо Бенземага назар солинг. Ҳамма гап иймон ва эътиқодда»



12:00 / 10.04.2023 2197

«Челси» ҳимоячиси Калиду Кулибали Рамазон ойидаги рўзаси унга ёрдам бераётганини айтиб ўтди:

«Сиз телевизор орқали томоша қилаётган ва ўқиётганларингиз Ислом ҳақида сизга яхши таассурот қолдирмаслиги мумкин. Аммо одамлар бу масалага яқинроқ ёндашиб, чуқурроқ ўрганишса, аслида барчаси бошқачароқ эканига амин бўлишади. «Челси» ўтказган ифторликда иштирок этган бошқа маданият ва дин вакиллари ҳам ўзларини ўзгача муҳитда ҳис қилган бўлишса, ажабмас.

«Челси»нинг ўтган ҳафтадаги «Ливерпуль»га қарши ўйинида Калиду Кулибали икки жамоадоши Уэсли Фофана ва Нголо Канте билан ўйин бошланишидан 20 дақиқа аввал ифторликда рўзаларини очишди.

«Оғиз очар вақти бўлганида машғулотларни ўтказаетгандик ва бизга тайёрлаб қўйилган ифторликни танаввул қилиб, дарҳол майдонга тушдик. Ўйин пайти ҳакам ёнимизга келиб, бирор нарса еб олишимиз учун танаффус керакми деб сўради, бу айти муддао эди.

Кўпчилик рўзадорликни кучсизланиш деб ўйлашади, чунки кўрсатмаларни бажаришда жисмонан қувватсизлик юзага келади деб ўйлашади. Аммо Бенземага назар солинг. У Рамазон ойида учтадан голлар урмоқда.

Шахсан ўзим ҳам «Ливерпуль»га қарши баҳсда клубим сафида илк марта 10 километрдан кўпроқ югурдим. Ишонинг, ҳамма гап иймон ва эътиқодда. Бу спортчилар учун жисмоний эмас, кўпроқ руҳий синов. Бундан ўта олсанг, сен рўзадор ҳолингга ҳам ўзингни янада кучлироқ ҳис қиласан. Мен Италияда, Бельгия ва Францияда тўп сурдим, Рамазон ойида мусулмон ўйинчиларга нисбатан муносабат масаласида Англия қолганлардан икки қадам олдинда», - дейди сенегаллик ҳимоячи.

**Манба: [tribuna.uz](http://tribuna.uz)**